



2020 у «30» сентябрь

№ Қ-525

« » 20 г

Музработ тумани “Навбахор” массиви худудидан “TRANSPORT DUNYO” МЧЖга “Чорва молларини сақлаш молхонаси ва чўпон уйи” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/666-сон йиғилиш баёни, Музработ тумани ҳокимининг 2020 йил 28 августдаги 01-05/226-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/666-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ тумани “Навбахор” массиви худудидан “TRANSPORT DUNYO” МЧЖга туман ҳокилиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 885-дала контуридаги 2,0 гектар яйлов ер майдони “Чорва молларини сақлаш молхонаси ва чўпон уйи” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “TRANSPORT DUNYO” МЧЖ “Чорва молларини сақлаш молхонаси ва чўпон уйи” қурилишига ажратилган 2,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 28 609 160 (йигирма саккиз миллион олти юз тўққиз минг бир юз олтмиш) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов